

ХУДУДЛАРНИ “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ”ГА ТАЯНИБ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ — ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти, ҳудудларнинг иқтисодий ривожига ва янги лойиҳалар билан танишиш мақсадида 18 июнь куни Тошкент вилоятининг Паркент туманига ташриф буюрди ва “Тошкент-Шарқий” аэропорти қурилишини кўздан кечирди.



Мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва унинг халқаро жозибадорлиги ошиши билан ташқи иқтисодий алоқалар фаоллашиб, инвестициялар оқими кўпаймоқда. Бундай шароитда Ўзбекистонда транспорт инфратузилмасининг барча йўналишларини модернизация қилишга ўсишнинг асосий омили сифатида устувор аҳамият қаратилмоқда.

Ана шундай стратегик лойиҳалардан бири “Тошкент-Шарқий” аэропортини реконструкция қилишдир. У юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган тез, хавфсиз ва қулай қатновларни таъминлаш, шунингдек, пойтахтнинг асосий халқаро аэропортига юкларни енгиллаштиришга мўлжалланган.

Авалло, 4 километр узунликдаги учиш-қўниш йўлагига янгиланиб, энг оғир самолётларни ҳам қабул қилиш қувватига эга бўлди.

Ҳозирги кунда юқори мартабали меҳмонлар ҳамда бизнес-авиация учун 2 та терминал, перрон ва ангарлар барпо этилмоқда. Аэропорт ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам учиш-қўнишни таъминловчи ИСАО III-A тоифасидаги илгор радиотехника ва метеорология ускуналари билан жиҳозланади. Ёпиқ ангарларда самолётлар соз ва хавфсиз сақланиши учун замонавий шароитлар таъминланади.

Мазкур аэропорт қулай жойлашуви тўғрисида пойтахт ва Янги Тошкент шаҳри учун муҳим транспорт ҳабиға айланади, шунингдек,

Тошкент вилоятида туризмни ривожлантириш учун қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилади. Энг муҳим, халқаро ташрифлар ва ишбилармонлик сафарларини амалга ошириш имкониятлари кенгайди, хорижий инвесторларни қабул қилиш учун шароитлар яхшила-нади. Натижада иқтисодий фаоллик ошади, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади, янги иш ўринлари яратилади, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги сезиларли даражада ошади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг техник хусусиятлари, терминалларнинг архитекту-равий ечими билан танишиб, қурилиш иш-ларини жадаллаштириш, сервис даражасини ошириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Паркент туманига ташрифини дастлабки манзил — “Паркентсой” турар жой массиви бўлди. Ҳудудларни “Ўсиш нуқталари”га таяниб ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароитлари яратиш — давлатимиз сиёсати-нинг устувор йўналиши. Бундай ўзгаришлар Паркент туманида ҳам намоён.

Туман марказидан оқиб ўтувчи Паркент-сой қирғоғида қурилатган ушбу массивни экошаҳар дейиш мумкин. Унинг умумий майдони олти гектар бўлиб, жами 5 минг 200 хонадонли 125 та қўп қаватли турар жой қурилади. Улар барча замонавий коммунал тармоқлар, энергия тежамкор технологиялар

билан таъминланади. Жумладан, уйлар те-пасига геоколлекторлар ўрнатилиб, сув иси-тишда фойдаланилади.

Аҳоли нисбатан зич яшайдиган ҳудудлар учун бундай массивлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Уйларнинг шинамлиги ва тан-нархи халқимизга мос. Бу айрим маҳаллалар-да бир ҳовлида қисилишиб яшаётган оила-лар учун аини муддао бўлади.

Давлатимиз раҳбари мазкур янги хонадон-лардаги шароитларни кириб кўрди. Бу ерда, шунингдек, иккита мактаб, сак-кизта боғча, болалар майдончалари, 10 ге-ктарлик парк, сунъий кўл, сайилгоҳ ва вело-йў-лаклар барпо қилинади. 17 километр ички йўллар таъмирланади.

Массив нафақат обод турмуш учун, бал-ки тадбиркорлик учун ҳам шароит яратади. Бу ерда 58 та нотузар бино қад ростлайди. Уларда савдо ва хизмат корхоналари жойла-шиб, 700 дан орტიқ иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда туманни яна-да ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдирот билан танишди.

Бу борадаги муҳим лойиҳа — “Байтқў-ргон — Паркент” электрлаштирилган темир йўли. Ҳозирда унинг қурилиши жадал кет-моқда. Қарийб 24 километрлик бу йўл фойда-ланишга топширилгач, Паркентдан пойтахти-мизга бориш учун катта қулайлик яратилади,

туманнинг хушманзара гўшаларига саёҳатга келиш осонлашади. Унда кунига 275 минг на-фаргача йўловчи ташлиши ҳисоб-китоб қи-лингн. Умуман, бунинг натижасида қатнов ва тадбиркорлик фаоллашиб, Паркент иқти-содиётининг суръати жадал ошади.

Паркентсойни тартибга келтириш, қир-гоқларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Биринчи босқичда сой-нинг 4 километр қисми тўлиқ бетонлашти-рилди. Бу янги бунёдкорликларга йўл очди. Хусусан, сой бўйлаб қарийб беш километр-лик янги йўл қурилди. У ҳозир туман мар-казидан ўтган асосий кўчага ёндош бўлиб, бир кеча-кундузда 10 минг автомобилни ўт-казиш қувватига эга. Бу транспортлар юк-ла-масининг бир қисmini ўзига олиб, марказда тирбандлики камайтиради. Шунингдек, пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгич ва кўприк барпо этилган.

Энди иккинчи босқичда Қумушқонгача бўлган ўзанлар тартибга келтирилиб, очи-ладиган 100 гектар ерда туризм объектлари ташкил этиш режалаштирилган.

Президентимиз шу ерда паркентлик фаол-лар билан суҳбатлашди.

— Бизнинг энг катта бойлигимиз юрти-миз тинчлиги, халқимизнинг осойиштали-ги. Тинчлик барқарор бўлса, мана шундай бунёдкорлик бўлади, режалар амалга ошади. Давлат ташкилотларини сафарбар қилиб, имкониятларни юзага чиқариб, ҳамма ҳу-дудларни ривожлантиришга ҳаракат қи-яймиз. Паркентга ҳам истиқлол шабадаси, ислохотлар натижаси етиб келганини кўриб, хурсанд бўлдим. Халқимиз мана шундай фа-ровон шароитда яшашга муносиб, — деди Шавкат Мирзиёев.

Нуронийлар туман ривожига учун ярати-лаётган улкан имкониятлар, аҳоли ҳаётда бўлаётган ўзгаришлар, меҳнатидан бахт то-паётган инсонлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Паркент туманидаги Қумушқон маҳалласида бўлиб, сайёҳлик са-лоҳияти ва меҳмон уйлари кўздан кечирди.

Бу соҳага қўллаб-имтиёзлар берилиб, та-шаббуслар қўллаб-қувватланмоқда. Туризм қишлоқларида зарур инфратузилма ташкил этилганди. Бу имкониятлардан фойдаланиб, хонадонда меҳмон уйи очганлар талайгина.

Охириги йилларда Қумушқонга сайёҳлар келиши кўпайган. Бугунги кунда саксондан ор-тиқ хонадонда меҳмонхона ташкил этил-ган. Уларда йилга 172 минг нафар сайёҳга хизмат кўрсатилмоқда.

Шундай тадбиркорлардан бири Олим Юсупов сой бўйидаги ҳовлисида 48 ўринли меҳмон уйи очган. Хоналар миллий услубда, шинам қилиб жиҳозланган. Меҳмон уйи йил-ига 2 мингдан зиёд сайёҳга хизмат кўрсатади.

Президентимиз бу ердаги ободлик ва омиқдорликни кўриб, шундай лойиҳаларни бошқа сўлим масканларда ҳам ташкил этиш кераклигини таъкидлади. Тадбиркорларга зарур маблағ ажратиб, қўшимча хизматлар ташкил этишига кўмаклашиш бўйича мута-саддиларга кўрсатма берди. Маҳаллаларда

ички имкониятларни юзага чиқариш аҳолини банд қилишда катта манба экани қайд этилди.

Бу жойларга сайёҳлар сўлим манзаралар-дан баҳраманд бўлиш учун келади. Шунинг-дек, Масжидили зиёратгоҳи ҳам диққатга са-зовор жойлардан бири.

Тошкент вилоятида мингта яқин шундай меҳмон уйлари бор. Уларда 2 минг 500 та иш ўрни яратилган.

Президентимиз Паркент туманидаги ин-тенсив боғда сархил мевалар ҳосилини кўз-дан кечирди.

“Meridian Tempo” корхонасига қарашли ушбу 54 гектар боғда гилос, олма, нок ва ма-линанинг экспортбоп навлари экилган. Қў-чатлар Франция ва Испаниядан келтирилган. Дарахтлар ўзини ўзи чанглатиш хусусиятига эга. Бу ҳосилдорлик юқори бўлишида муҳим ўрин тутди.

Замонавий агротехнологик тизимлар ор-қали боғда тўлиқ томчилатиб сугориш жорий этилган. Аввал сув махсус ҳавзада тўпланади ва табиий нишаблик орқали сугорилади. Бун-га энергия сарфланмай, натижада харажат ва маҳсулот таннархи камаяди. Шунингдек, боғ-да қўёш панеллари ўрнатишган.

Пишиб етилган мевалар экспортга йў-налтирилмоқда. Бу йил 256 тонна гилос, 500 тонна олма, 480 тонна нок, 30 тонна малина етиштирилиши мўлжалланган. Энг муҳими, бундан келадиган даромад бошқа анъанавий ўсимликларга нисбатан бир неча баробар юқори.

Президентимиз мутасаддиларга бу усулни оммалаштириш, меваларни парваришлаш ва қадоқлаш бўйича чет эл тажрибасини жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Паркент туманига ташриф давомида “Олтин бел” чўққисидаги дам олиш маскани ва янги лойиҳалар билан танишди.

Хушманзара тоғ бағридаги 3 гектар жойда қурилган ушбу меҳмонхоналар ихчамлиги ва ҳамёнбонлиги билан ажралиб туради. Ҳозир-да жами 188 ўринли 2 та меҳмонхона, капсу-ла шаклидаги уйлар, ресторан ва ҳўжалик би-нолари барпо этилган. Кейинги босқичда яна 20 та шундай уй қурилиши мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев меҳмонхонада яратил-ган шароитларни кўздан кечирди.

Умуман, ҳудудда туризмни ривожлан-тириш мақсадида қўямати 1 миллиард 800 миллион доллар бўлган 52 та лойиҳа амал-га оширилади. Натижада 3 минг 300 та иш ўрни яратилади ва 1 миллион нафар сайёҳ-га хизмат кўрсатилади.

Паркентнинг қорли тоғлари яна бир улкан лойиҳани амалга ошириш имконини бермоқ-да. Бу ерда Австрия компанияси томонидан 1 минг 200 гектарда тоғ-чанги курорти қуриш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳа ҳақи-да ахборот берилди. Унинг доирасида 3,4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналар, чанги учуш ва осма дор йўли, шалелар, пикник майдони, resto-ранлар, соғломлаштириш хизматлари ташкил этилади.

Лойиҳа уч босқичда амалга оширила-ди ва тўлиқ қувватда кунига 15 минг нафар сайёҳни қабул қилиш имконига эга бўла-ди. 600 га яқин сервис мажмуалари ташкил этилади. Мавсумий хизматлар билан бирга 10 мингта яқин иш ўрни яратилади. Умуман, бу маскан Бўстонликдаги “Амирсой” курор-ти каби Тошкент вилоятининг йирик туризм манзилларидан бирига айланади.

Мутасаддислар билан мулоқотда лойиҳа-ни такомиллаштириш, хизматлар қамровини кенгайтириш ва қурилишни тезлаштириш тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Паркент ту-манидаги “Бату Экспорт” корхонасини бориб кўрди.

15 миллион долларлик инвестиция ҳи-собида ташкил этилган мазкур замонавий лойиҳа доирасида йилга 5 минг тонна мева-сабзавот қайта ишланади. Тошкент вилоят-дан ташқари Самарқанд ва Фарғонадан ҳам маҳсулотлар келтирилади.

Корхонага Япония, Германия, Бельгия, Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий ус-куналар ўрнатишган. Бу маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхонада 180 та дои-мий иш ўрни яратилган, улар ўртача 7 мил-лион сўмгача ойлик маош олапти.

Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар Хитой, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа ва МДҲ маҳалла-ларига экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жа-раёнини кўздан кечириб, ходимлар билан суҳбатлашди.

— Мева-сабзавотчиликда Паркентнинг им-кониятлари катта. Технология олиб келиб, жа-ҳон бозорига сархил ва қурилиган меваларни экспорт қилиш салоҳиятимиз бор. Биргина Японияни олсак, Ўзбекистон маҳсулотла-рига қизиқиш юқори. Фақат меваларни яхши парваришлаб, сифатли етказиб бериш зарур. Бундай корхоналарни ривожлантирсак, шу тармокнинг ўзидан бир неча миллиард доллар даромад олиш мумкин, — деди Президент.

Шу ерда Тошкент вилоятининг экспорт-боп қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўздан кечирилди. Ўтган йили вилоятдан 130 мил-лион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган. Лекин ҳудуд табиати ва салоҳиятига нисбатан бу кам.

Соҳада экспорт қилувчи корхоналарни қўл-лаб-қувватлаш мақсадида 7 турдаги молиявий ёрдам ва 3 хил солиқ имтиёзлари ҳамда префе-ренциялар жорий этилган. Тошкент вилоятида мева-сабзавотни қайта ишловчи 175 та корхо-на бўлиб, қайта ишлаш даражаси йил сайин ортмоқда. Жорий йилда экспорт кўрсаткичини жадал ошириш режалаштирилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Бехрўз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Муносабат

ДАВЛАТ ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙДИ

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН БОШҚАРУВ

Жорий йил 16 июнь куни Президентимиз расмийлигида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида асосий эътибор амалга оширилаётган ислохотлар ҳар бир инсоннинг ҳаётида акс этиши кераклигига қаратилди. Зеро, бу давлат ривожига муҳим омил саналади.

Жойларда суд қарорлари ижроси таъминланмаслиги, давлат ташкилотларининг мурожаатлар билан ишлашда масъулиятсиз-лиги, вакиллик органларининг назоратдан кўра фақат кўзбўйам-чилик билан шуғулланиши каби ҳолатлар эса халқнинг давлатга ва ислохотларга ишончини пасайтиради. Шу боис, йиғилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан иш-лаш бўйича янги тизим йўлга қўйилиши белгиланди.

➤ Давоми 2-бетда

Инсон қадри учун

Одамларни нима бирлаштиради? Ғоя, мақсад, манфаат, ўтмиш, қадриятлар ва ҳоказо. Буларнинг барчаси бор гап. Лекин мен бошқа мисол келтирмакчиман. Айтайлик, олдин нотаниш бўлган икки киши бирга тер тўкиб, меҳнат қилиб, бири биринчи гиштни, иккинчиси иккинчи гиштни қўйиб иморат курси ёки бири кўчат экиб, иккинчиси тагига сув қуйиб боғ яратса; бири чарчаганда иккинчиси қўл узатса, бири чанқаганда иккинчиси сув тутса; деворлар баландлаган, боғлар мевага кирган сайин меҳнатининг маҳсулидан икковлон бирга қувонса, завқланса, бир-бирини бағрига босиб кутласа, уларни нима бирлаштирган бўлади?

Ҳа, одамларни меҳнат, яратувчанлик ҳам бирлаштиради. Бунинг ҳаётдаги ис-ботини кўрмоқчи бўлсангиз, Қорақалпоғис-тонга келинг. Чунки ҳозир Қорақалпоқ диё-ри бунёдкорлик майдониға айланган. У ерда тошкентлик, фарғоналик, самарқандлик ёки қашқадарёлик юртдошларимиз мактаблар, боғчалар, тиббиёт муассасалари, кутубхона-лар уй-жойлар бунёд этмоқда. Маҳаллий аҳо-ли билан бирлашиб, кўча ва маҳаллаларни обод қилапти. Одамларнинг кўнглига нур ва эртасига ишонч олиб кирмоқда.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ

ОФИРИ ЕНГИЛ, МУШКУЛИ ОСОН БЎЛАЁТГАНЛАР ҚАЛБИДА МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУСИ ИЛДИЗ ОТДИ

УЧ ЙИЛ ОЛДИН

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 23-24 фев-раль кунлари Қорақалпоғистон Республика-сига ташрифи чоғида бир эзгу ташаббусни илгари сурган эди. Катта режалар, мақ-садлар, улкан молиявий манбалар билан бирга Ўзбекистондаги 13 та ҳудуд ҳоким-лари ва тадбиркорларини бошлаб келиб, Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш мақ-садида ҳар битта вилоятга Қорақалпоғис-тоннинг биттадан туманини бириктир-ганди. Ўшанда Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари ўзига бириктирилган ҳудудларда қиладиган ишлари бўйича тақдиротлар ўт-казганди.

➤ Давоми 3-бетда



ДАВЛАТ ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙДИ

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН БОШҚАРУВ

Бошланиши 1-бетда

Энди ихро интизомига Ҳисоб палатаси масъул бўлади, унинг ваколатлари кенгайтирилади. Берилган маблағларнинг қанчалик тўғри сарфланиши эмас, балки қандай самара бергани, аҳоли бундан қанчалик розилиги ҳам ўрганилади.

Туман ҳокимларининг ваколатлари кенгайтирилди

Президентимиз аҳолининг дардини эшитиб, уларга шароит яратиб бериш раҳбарларининг асосий вазифаси эканини айтиб, “**Ҳар бир мурожаат ортда инсон тақдирини, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак. Халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурий**”, деди.

Ушбу фикр ислохотлар марказида инсон, унинг ҳаёти, орзулари, яшаш шароити турганига аққол далилди.

Эндликда туман ҳокимлари ҳар кунини ўзининг аҳоли дарди ва ташвишини эшитишдан бошлайди, бугунги муаммони кейинга сурмайди. Мурожаатни шу жойнинг ўзида ҳал қилади. Бу борада, албатта, туман ҳокимининг ваколатлари кенгайтирилади.

Давлатимиз раҳбари бу орқали жойларда аҳоли муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш ва ҳудуд ривожини таъминлашга эришиш мақсадида туман раҳбарларига катта ишонч билдирди. Таъкидланганидек, агар туман бўғини самарали ишласа, бутун давлат механизми ишлайди. Ҳозирча эса туман ҳокимлари туман ташқилотлари штатини тақсимлаш, раҳбарни лавозимга тайинлаш, қоникрасиз фаолият юритганини вазифасидан озод этиш ёки маблағларни тақсимлаш каби асосий ваколатларга эга эмас. Энди барчаси ўзгаради: ҳар бир ҳоким ўз ҳудудда мустақил қарор қабул қилади, ҳар бир вазифа ва функцияси маблағ билан мустаҳкамланади. Акс ҳолда, маблағ оширилмайди ва масъул раҳбар ишдан кетади. Бу салохиятли раҳбарлар учун катта имконият бўлса, сустроғи учун сигналдир.

Бу тизимдан кўзланган асосий мақсад тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли муаммосини ечишга жиддий эътибор қаратишдан иборат. Ҳокимликлар халқ билан ишлашда мурожаатни



Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази
ижрочи директори

турли идораларга юбормасдан, балки суҳбатлашиб, ечим топиш, ресурс ажратилш каби амалий фаолиятга кўпроқ эътибор берса, маҳаллаларда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, инфратузилма, сув ва замонавий агротехнологиялар каби одамларга наф келтирадиган соҳалар ривожланади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорликни рағбатлантиради, аҳолини иш билан таъминлайди ва иқтисодий барқарорликка олиб келади.

Халқ тизимли ислохотлар натижасига гувоҳ бўлиши керак

Йиғилишда белгиланган вазифалар ва янгича бошқарув модели халқ ҳаётини бевосита ва билвосита ўзгартиришга қаратилган чоралардир. Эндликда энг яхши раҳбар ва тизим рағбатлантирилади, масъулиятсизлар эса жавобгар бўлади. Бу эса халққа нисбатан адолатли ёндашув демакдир.

Президентимиз аҳоли манфаати, инсон қадрини ва дардини ҳал этиш зарурлигини асосий масала сифатида қайта-қайта эътироф этди. Ушбу янгича ёндашувлар, ислохотлар ва назорат механизмлари самараси аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши ва давлатга ишонч ортиши билан ўлчанади.

Шу боис, энди ислохотлар ҳар бир маҳаллада, ҳар бир ўйда, ҳар бир инсон ҳаётида ўз аксини топиши, “Инсон қадрини учун” таъминоти давлат сиёсатининг асосий мезонига айланиши лозим.

ЗИММАМИЗДА КАТТА ИШОНЧ, МАСЪУЛИЯТ ЮКИ БОР

Халимжон УМАРОВ,
Қува тумани ҳокими

Халққа хизмат қилиш киши қалбида чексиз фахр уйғотади. Айниқса, ўзгаришларни ҳаётга жорий этишда қуйи бўғин вакили бўлиш икки қарра масъулият юклайди. Жорий йил 16 июнь кунини Президентимиз раислигида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



ишлаш сўралапти. Айни пайтда вазифамизни тўла адо эта олишимиз учун қатор қулайликлар ҳам яратиб берилмоқда.

Яна бир гап, энди бошқарув тизимида ўзинга хос ўзгаришлар бўлади. Аҳоли муаммоларини бартаф этиш, қонунлар ижроси таъминлашда энг қуйи поғона масъулияти оширилмоқда. Шу кунга қадар аҳоли фаровонлиги йўлидаги ислохотлар ижросида бевосита иштирок этадиганлар кўп эди. Аммо

“**Жойларда савдо-саноат палатаси, банк, солиқ, кадастр вакили ва етакчи тадбиркорлардан иборат “Ислохотлар штаби”ни тузиш белгилаб берилди. Улар мавжуд маҳаллалар кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрлайди. Келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари улар ҳулосаси асосида тасдиқланади. Бу мавжуд лойиҳаларни четдан эмас, ҳар бир ҳудуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва жорий этиш имкониятини беради.**

тушуниб олиш зарур. Туман бўғини самарали ишламаса, юқоридан қандай топшириқ туширилмасин, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди”, деди.

Бундай қақирқиб биз — масъулларни янада серграқ тортишимизга сабаб бўлди. Янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислохотлардаги ўрниниш ва бурчимизни теран англашга ундади. Қувонарлиси, биздан халқимиз учун фидойилик билан

уларнинг режалари бир-бирига мос келмасди. Мақсад бир, лекин қарашлар, ёндашувлар турлича эди. Оқибатда бу тушунмовчилик, бошбошдоқликларга сабаб бўларди. Шу боис, белгиланган режа, лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш пайсалга солиб келинган. Энди вазифалар ижросини таъминлаш бевосита қуйи тизимга туширилади. Бунда туман ва шаҳар ҳокимларининг ваколат ва имкониятлари кенгайди.

ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБАЛАРИ ЯҒОНА ПЛАТФОРМАДА

Бугун пойтахтимизда яна бир йирик халқаро тадбир — “Eco Expo Central Asia 2025” экологик технологиялар халқаро кўргазмаси иш бошлади. Марказий Осиёда илк бор ўтказилаётган ушбу тадбир 30 га яқин давлатни бирлаштириб, барқарор ривожланиш бўйича илгор тажрибаларни оммалаштириш, очик мулоқотлар ва “яшил” трансформацияни илгари суриш учун йирик платформага айланади.

Бугун инсоният турли соҳада салмоқли ютуқларга эришганига қарамай, экологик барқарорлиги бора-бора катта муаммолар билан юзма-юз келди. Иқлим ўзгариши, сув ва тупроқ ифлосланиши, биохимика-хиллик камайиши, чўлланлиш каби нохушликлар келажакка жиддий таҳдид тудирмоқда. Бу муаммоларга ечим топиш, аввало, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда иш юритиш, қўлаверса, илм-фан ҳамда инновациялар ютуғидан оқилона фойдаланиб, табиатга безарар усул ва воситаларни амалга татбиқ этишни тақозо этаётди.

Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади экологик барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтишдир. Шу мақсадда жорий йил мамлакатимизда Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди ҳамда шу асосда ишлаб чиқилган давлат дастури амалга ошириляпти. Давлат дастури доирасида сув, ҳаво, тупроқ софлигини асраш, обихоаётни тежаш, табиий мувозанатни сақлаш, ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, “яшил” ҳудудларни кенгайтириш бўйича изчил ишлар бажарилляпти.

Хусусан, “Яшил макон” дастури доирасида шаҳарлар ҳудудининг камида 30 фоизини кўкаламзор майдонга айлантириш, қишлоқ хўжалигида сув тежовчи

ЕСО EXPO CENTRAL ASIA 2025

технологияларни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар қилиняпти. Тез сурьатда ўсиб бораётган иқтисодиётимизнинг энергетикага талабини тўлиқ қондириш учун “яшил” қувватлар барпо этиляпти. 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш режа қилинган.

Мазкур кўргазма ана шу йўналишдаги чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим қадамлардан бири. Шу билан бирга, бу тадбир ислохотларимизни чуқурлаштириш баробарида халқаро экологик ҳамкорликни мустаҳкамлашга қатъий интилишини ҳам аққол намоён этади.

— “Eco Expo Central Asia 2025” оддий кўргазма эмас, балки янги авлоднинг иқтисослаштирилган платформаси. Бу ерда экспертлар, компаниялар, стартаплар, давлат ва халқаро ташқилот вакиллари энг замонавий ва самарали экологик ечимларни тақдим этади, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими Муроджон Нурматов. — Асосий эътибор иқлим барқарорлигини сақлаш, ресурсларни тежаш ва тоза технологияларни жорий этиш каби долзарб масалаларга қаратиллади.

Сунъий интеллектдан тортиб, “яшил” энергетика, сув ресурсларини тежаш ва экологик таълимга — кўргазма келажак технологияларининг барча йўналишини қамраб олади. Иштирокчилар орасида Австрия, Германия, Швейцария, БАА, Саудия Арабистони, Буюк Британия, Италия, Люксембург каби мамлакатлар вакиллари бор. Бу эса Марказий Осиё экологик кун тартибига халқаро даражада қизиқиш юқори эканини кўрсатади.

Тадбир иштирокчиларга “яшил” технологияларини кенг намойиш этиш, янги бозорга чиқиш, стратегик ҳамкорлик ўрнатилш, глобал барқарор ривожланиш ҳаракатининг фаол иштирокчисига айланиш имкониятини тақдим этади.

21 июнга қадар давом этадиган тадбир доирасида инновацион лойиҳалар ва стартаплар тақдимоти, экологик таълим ва бошқа йўналишларда мулоқотлар, юртимизда экология соҳасида орттирилган илгор тажрибалар акс этган кўргазмалар намойиш этилади. Халқаро экспертлар иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат дарслари ва ўқув дастурлари уюштирилади. Табиат ва инсон уйғунлигини акс эттирувчи фотокўргазмаларга кенг ўрин бериллади.

Кўргазмада минтақанинг энг огрикли экологик муаммоларидан бири — Орол дегизми масаласига алоҳида эътибор қаратиллади. Шунингдек, “яшил” транспорт, шаҳарларни ободонлаштириш ва экотуризмни ривожлантириш масалалари ҳам кун тартибидан ўрин олган.

Қисқаси, “Eco Expo Central Asia 2025” инновация, барқарорлик ва халқаро ҳамкорлик асосида шаклланаётган янги экологик тафаккур сари дадил қадамдир. Кўргазмада иштирок этиш орқали ҳар бир қатнашчи салоҳиятини намоён этиш билан бирга, дунёнинг энг яхши тажрибалари билан танишиш, минтақамизда экологик барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўиши имконига эга бўлади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Кун мавзуси

Давлатимиз раҳбари жорий йил 17 июнь кунини Остона шахрида “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммитида иштирок этди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги манфаатли ҳамкорликни устувор йўналишларда кенгайтириш истикболлари, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар кўриб чиқилди.

ЭКОЛОГИК АЛЪЯНС ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШДА МУҲИМ МИНБАР



Саммитда Президентимиз нутқ сўзлади. Кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида қарашларини билдирар экан, янги иқтисодий шериклик дастурини қабул қилиш, “Рақамли макон ва йўл” доирасида “Рақамли Ипак йўли” кўп томонлама савдо платформасини ташкил этиш, “Марказий Осиё — Хитой” саноат ва инфратузилма макони узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш каби қатор ташаббусларни илгари сурди.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз равақига хизмат қиладиган бундай таклиф ва ташаббуслар экспертлар, кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

— Президентимиз саммитдаги нутқида айни пайтда долзарб аҳамият касб этувчи муҳим таклифларни илгари сурди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Хушвақт Ҳайитов. — Хусусан, Марказий Осиё ва Хитойнинг транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш яна бир устувор йўналиш сифатида қайд этилди. Бу йўналишда “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бошлангани Евроосиё маконидаги янги транспорт ва

транзит коммуникациялари тизимининг муҳим элементини экани таъкидланди. Бу лойиҳа Фарб ва Шарқни боғлайдиган муҳим кўприк вазифасини бажаради. Шу билан бирга, трансакфон темир йўл магистрални лойиҳасини амалга ошириш янада кенг имкониятлар эшигини очади.

Давлатимиз раҳбари бу борада “**Ушбу стратегик соҳа истикболига онд умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун транспорт идораларимизга дала тадқиқотларини олиб бериш, логистика инфратузилмасини модернизация қилиш имкониятларини ўрганиш, муқобил йўллар бўйича юкларни ташиш борасида синов тарикасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун экспертлар гуруҳларини шакллантириш юзасидан топшириқ беришимиз зарур деб ҳисоблайман**”, деди.

Бундан ташқари, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди. Айнан ушбу йўналишлар бугунги кунда миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардoshiлигини белгилаб, узок муддатли ўсишнинг драйвери бўлмоқда.

бўлиши учун ишига номуносиб бўлган ҳодимларга нисбатан чора кўрилади.

Президентимиз ҳар бир мурожаат ортда инсон тақдирини, унинг дарди ва умиди мужассам эканини бежиз таъкидламади. Ҳаёт давом этар экан, унинг ўзини яраша ютуқ ва муаммолари бўлиши табиий. Йиғилишда аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир мурожаатга ўз вақтида ечим топиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Янги Ўзбекистондаги илк ўзгаришлар вақтидаёқ мурожаатлар билан ишлаш биринчи ўринга қўйилган эди. Бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тан олиш керак, шу кунга қадар бирор фуқаро ижтимоий-иқтисодий масала юзасидан мурожаат қилса, Халқ қабулхонасига йўналтириш билан кифояланганмиз. Оқибатда маҳалла, туман даражасидаги масалалар вилоят, республика миқёсига кўтарилган, аммо амалий ечим топмаган. Бу мурожаатчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келатганди. Энди бу йўналишда ҳам янги тизим, тартиб жорий қилинди. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш маҳаллий ҳокимлар зиммасига юклатилди. Ҳокимлар кўтарилган масалаларни ечим бера олиши учун алоҳида сармоя ҳам ажратилаётган бўлди. Бу мурожаатларни эътиборсиз қолдирмай, ўз вақтида ҳал этиш имкониятини беради.

Қува тумани аҳли юртимиздаги кенг кўламли ислохотларни ўз ҳаёти мисолида ҳис этмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2025 йил 1 апрелдаги “Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган туман (шаҳар)ларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар қилинмоқда. Янги лойиҳа, ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар бошлаб юборилган.

“**Танқидий, таҳлилий руҳда бўлиб ўтган видеоселекторда кўтарилган масалалар, олдимизга қўйилган ҳар бир вазифа амалий иш фаолиятимизда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Бу эса бошланган лойиҳаларни янада изчил давом эттириш масъулиятини ҳис этиш демакдир. Чунки бизга барча имконият, шароит яратиб берилмоқда. Энди биз халқимиз, мамлакатимиз олдидаги бурчимизни тўла адо этсак бас.**

Шу ўринда бугун Хитой интеллектуал тизимлар ривожланишида етакчилик қилиб, ушбу йўналишда аънавий равишда юқори ўринларини эгаллаб келётганини таъкидлаш жоиз. Президентимиз айни мақсадда асосий энергетика ва транспорт йўналишлари бўйлаб Марказий Осиё — Хитой оптик тотали алоқа тармоғининг рақамли трассасини барпо этиш таклифини илгари сургани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу онлайн савдо, “ақлли” логистика, булутли технологиялар ва сунъий интеллект — Сиань декларациясида ўз ифодасини топган рақамли кун тартибининг барча йўналишларини янада ривожлантириш учун асос яратади.

Шунингдек, минтақада инвестицияларга жуда катта эҳтиёж мавжуд. Экспертлар ҳулосасига кўра, Марказий Осиёни инфратузилмавий ривожлантиришда капитал қўйилмалар тақчиллиги бир неча юз миллиард доллар деб баҳоланмоқда. Мазкур инвестициявий муҳитда бевосита Хитой сармояси ҳам муҳим ўрин тутади.

Шунинг учун ҳам Президентимиз “Марказий Осиё — Хитой” саноат ва инфратузилмавий маконини яратишга қаратилган узок муддатли стратегияни ишлаб чиқишнинг таклиф этди. Саноат соҳасидаги ва инфратузилмавий боғлиқлик кучайиши мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат: бугунги кунда глобал экологик муаммолар, иқлим ўзгаришлари мамлакатлар барқарор тараққиётига жиддий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Бунга қарши курашишда Хитой билан жуда катта истикболли лойиҳалар режалаштирилмоқда.

Хитойнинг илгор тажрибасини кенг жорий этиш хатарларини кайайтириш, “яшил” кун тартиби ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу муносабат билан 2030 йилгача мўлжалланган “яшил” ривожланиш стратегияни қабул қилиш ва уни амалга оширишга имкон қадар тезроқ киришиш муҳимлиги қайд этилди.

Ушбу давлат тажрибаси асосида минтақада комплекс кўкаламзорлаштириш ва питомниклар яратиш, биомухандислик, биомониторинг станцияларини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий-таълим дастурларини қамраб олган ҳолда синов тарикасидаги қатор муҳим лойиҳаларни амалга ошириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан бу йўналишда экологик альянс тузиш таклифи илгари сурилди. Бунда Хитойнинг ўзини хос тажрибаси ва услубидан самарали фойдаланган ҳолда илмий тадқиқотлар қилиш, олимлар, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида фаол ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ

ОҒИРИ ЕНГИЛ, МУШКУЛИ ОСОН БЎЛАЁТГАНЛАР ҚАЛБИДА МИННАТДОРЛИК ТҮЙҒУСИ ИЛДИЗ ОТДИ



Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси депутаты,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

Бошланиши 1-бегда

Давлатимиз раҳбари бунинг сабаби ва аҳамиятини тушутирар экан:

— Оролбўйида аҳвол ёмон деб кўпчилик гапирди. Лекин ҳамма ҳам бу ерга келиб кўрмаган. Оролнинг ҳавосидан нафас олиш, шароитни кўриб, адолатли баҳо бериши учун бу ерга бутун республикадан раҳбарларни юбордим. Қорақалпоғистон ривожига катта маблағ йўналтирамиз, — дея таъкидлаганди.

Қорақалпоғистонда кўпчилик бутун давлатнинг эътибори, салоҳияти, маблағи уларга қаратилаётганидан хурсанд бўлса-да, бу ишдан қандай натижа кутилаётганини тушуниб етмаганлар ҳам бор эди. Ҳа, инсон руҳияти шундай. Айниқса, ислохотлар борасида одамлар ўзгаришларни ўз ҳаётида кўриб, ҳис қилмагунча ишонмайди.

Бириктирилган ҳудудлар ёппасига ва шиддат билан Президентимиз топиригини бажаришга киришиб кетди. Вилоят ҳокимлари, мутасаддилар, тадбиркорлар, ҳатто қурувчилар ўзига бириктирилган туманларга кўчиб келди, десак муволаф бўлмайди. Сал ўтмай, Қорақалпоғистондаги оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда вилоятлар томонидан фабрика, мактаб, боғча, кутубхона ва бошқа ижтимоий объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани ҳақида хабарлар тарқала бошлади. Ҳатто тўйлар, тадбирларда “барака топишсин” деган миннатдорликлар айтиладиган бўлди. Камбағал, ижтимоий ёрдамга муҳтож, уй-жойи яроқсиз аҳволга келиб қолган оилаларга уйлар қуриб, томи ёпиб берилаётгани эса умидсиз кўнгилларда ишонч уйғотди. Шаҳарлар, маҳаллалар, овуллар, қишлоқлардаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, ободлик одамлар қалбига кўчди.

МЕҲР УЛАШГАН ҚАРОР

Бизнингча, давлатимиз ва ҳукуматимиз тарихида илгари бундай қарор қабул қилинмаган. Бу ўринда Вазиirlар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфра-тузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини назарда тутишган. Мазкур қарор Президентимизнинг 2022 йил 1 ноябрдаги “Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан, Қорақалпоғистонда ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган шароити оғир оилалар ва фуқароларни қўллаб-қувватлаш, овул ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида чиқарилган.

Қарорда Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳри ва Бўзатов, Қораўзақ, Кегейли, Қўнгирот, Қонлиқўл, Мўйноқ, Нукус, Тахтаюш, Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай туманлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига бириктирилган ўз ифодасини топан.

Шунингдек, қарор асосида ҳудуддаги турмуш шароити оғир 21 мингдан ортиқ хонадоннинг томини шифер билан ёпиш ва яшаш учун яроқсиз, оғир ҳолатдаги 709 хонадонни

Айниқса, Оқмангит шаҳарчасида маҳалла гузарининг фойдаланишга топширилиши аҳоли учун ҳақиқий туҳфа бўлди. Икки қаватли замонавий бионинг биринчи қаватида шаҳарча фуқаролар йиғини, иккинчи қаватда салкам 73 минг китоб фондига эга туман ахборот-кутубхона маркази жойлашгани аҳолига, айниқса, китобхон ёшларга қулайлик яратди.

Мўйноқ туманидаги бугунги ўзгариш ва янгиланишларда эса Тошкент вилоятининг ҳиссаси катта. Жумладан, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ва Ҳаким ота Сулаймон Боқирғоний зиёрат мажмуасида кутубхоналар ташкил этилгани, туман тиббиёт бирлашмаси тез ёрдам бўлими учун замонавий бино қурилгани, “Учсой” овул фуқаролар йиғинидаги “Тўқмоқота” аҳоли пунктидаги 4-мактаб филиали ва 5-мактаб учун янги спортзал ҳамда ошхона биноси барпо этилгани, Қизилжар овулида контейнер ўрнатилиб, гўзаллик саломи ва тикув цехи очилгани, камбағал оилаларнинг хароба ҳолатдаги 142 та уйини янгидан қуриш ишлари давом этаётганини кўриш мумкин.

Кегейли тумани Андижон вилоятига бириктирилган. Андижонлик тадбиркор томонидан туманнинг Ахтуба овулида 2022



йил декабрида фойдаланишга топширилган, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида бугун 130 киши иш билан таъминланган. Улардан 110 нафари хотин-қизлар. 80 хотин-қиз Андижон вилоятига бориб, касб-хунар сирларини ўрганиб келди. Корхонада кунига 1500 та тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. 2024 йилда маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича россиялик ҳамкорлар билан шартнома тузилгани ишчиларнинг ҳам манфаатдорлигини оширди.

Шуманай тумани Хоразм вилоятига бириктирилган. Кўшнлар томонидан ҳам худудни ривожлантириш бўйича ҳамкорликда ишлаб чиқилган “йўл харитаси” асосида қатор лойиҳалар амалга оша бошлади. Жумладан, 2022 йилда 1,6 миллиард сўм ҳисобига

сини бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилади.

Сув Бўзатов учун ҳаёт-мамонт масаласидир. Фарғона вилояти маҳаллий бюджетни ҳисобидан сув олиб келинди. Бунинг учун ўн йиллар давомида фойдаланилмай ётган ариқлар тозаланди.

Фарғоналиклар ўндан ортиқ ижтимоий объектни фойдаланишга топширди. Масалан, “Қўсханатов” ОФЙ ҳудудида Фарғона вилояти ҳокимлиги маблағи ҳисобидан 9-мактабга таълим ташкилоти ва 5-мактабда капитал реконструкция ишлари бажарилди. Бугун овул болалари учун барча қулай шароит яратилган.

Президентимизнинг шу бир ташаббуси ортидан шаҳар ва туманларда кенг қўллади қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилди. Маҳаллалар, овуллар қиёфаси ўзгарди, янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошлади. Инвестициялар кириб келди, одамлар ишли бўлди, ҳаёти ўзгарди... Юқорида улардан баъзиларини мисол сифатида келтирдик, холос.

Мақолани бежиз одамларни нима бирлаштириш ҳақидаги савол билан бошламадик. Энг муҳими ва аҳамиятлиси, Оролбўйи нафақат бунёдкорлик, балки дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат масканига айланди. Дўст кўмаги билан оғири енгил, мушқули осон бўлган инсонлар қалбида миннатдорлик туйғуси илдиз отди. Биргаликда ўтказилаётган тўй-маъракалар, байрам тантаналари ўзбек ва қорақалпоқ халқларини янада жипслаштирди, қон-қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлади. Қорақалпоғистонликларнинг бошқа вилоятларга, вилоятликларнинг эса Қорақалпоғистонга борди-келдиси ташкил этилди. Бу тажриба алмашиш кўн-

Бугун эса ҳамжиҳатликда яратилган моддий неъматларга икки халқ ўртасидаги оғиз-бирчилик, дўстлик ва меҳр-оқибат каби маънавий неъматлар янада кўркамлик, янгича мазмун-моҳият бахш этиб турибди.

ДАВЛАТЛИНИНГ ҚЎНОҒИ ҚЎШ КЕЛАДИ

Аслида, мақолани шу жойда якунлаб тургандим. Лекин қорақалпоғистонликларнинг IV Тошкент халқаро инвестиция форумидан кейинги кувонч ва ҳажжони, ижтимоий тармоқлар орқали баралла билдираётган мамнунияти, миннатдорлиги мавзунини янги ракурсда давом эттиришга ундади.

Дарҳақиқат, яқиндагина бўлиб ўтган IV Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам худудни ривожлантириш масаласига яна бир бор эътибор қаратилди. “Boston Consulting Group” компанияси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистонни 2035 йилгача ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Форум доирасида ўтказилган “Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ривожланиш стратегияси: мавжуд ҳолат, ўсиш йўналишлари ва келажакдаги имкониятлар” мавзусидаги панель сессиясида худуднинг иқтисодий, инвестициявий салоҳияти, устувор йўналишлар ва хорижий сармоядорлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар хусусида тўлиқ маълумот берилди.

— Мазкур сессия айнан Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, худудга хорижий инвесторларни жалб қилишга қаратилди, — дейди қорақалпоғистонлик ёш тадбиркор, “Биогурус” фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Ниязимбетов. — Биз қишлоқ хўжалиги вакилимиз. Бугунги кунда помидор етиштирамиз ва Италия, Франция, Германияга экспорт қиламиз. Маҳсулотимиз дунё бозорида рақобатбардош. Эришяётган ютуқларимизнинг барчаси ёш тадбиркорларга қаратилаётган эътибор маҳсулидир. Бизга ер ажратилиш, имтиёзли кредит, солиқ имтиёзлари ва логистика масалаларида берилаётган имкониятлар фаолиятимизни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бугунги хўжалигимизда 200 дан ортиқ киши иш билан таъминланган. Уларнинг аксарияти Нукус туманида яшовчи хотин-қизлардир. Ушбу тадбир хорижий ҳамкорларимиз сафни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Форум доирасида фармацевтика, туризм, саноат ва қайта ишлаш, қурилиш, таълим, агросаноат ва экология соҳаларида қатор йирик инвестиция лойиҳалари бўйича келишувларга эришилди.

Албатта, буларнинг барчаси Қорақалпоғистоннинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, иқтисодиётни диверси-

рақобатбардош маҳсулотлар етиштирилиши таъминланади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Гап шундаки, форум мазмун-моҳияти жиҳатидан Қорақалпоғистонда ҳам давом этди. Аниқроғи, Нукус шаҳридаги “Оқ қуш” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жаҳон банки ҳамда Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳамкорлигида “Ўзбекистонда иқлим ўзгариши шароитида “ақлли” қишлоқ хўжалиги” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, Жаҳон банки вакиллари, халқаро ҳамкор ташкилотлар ва хорижий экспертлар иштирок этди.

IV Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида ўтказилган сессияда инвесторлар Қорақалпоғистонга келиб, Оролбўйининг улкан салоҳияти билан танишиш ва кенг имкониятлар қўламини баҳолашга таклиф этилган эди. Ушбу форумнинг узвий давоми сифатида ташкил этилган тадбирда халқаро тажрибалар асосида Ўзбекистонда аграр ва озиқ-овқат соҳасида иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш, унга мос “ақлли” қишлоқ хўжалиги амалиётини қўллаш, Оролбўйи минтақасида қулай агро-экотизимни яратиш ҳамда бу борадаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида меҳмонлар Нукус шаҳридаги “Qoraqalpog basaltwool” корхонаси, шунингдек, И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида бўлиб, республиканинг саноат, туризм йўналишларидаги имкониятлари билан танишди. Иштирокчилар учун Мўйноқ — Орол денгизининг қуриган худудини ва Орол денгизи тарихи музейига тур ташкил этилди.

Қорақалпоқларда “Давлатлининг қўноғи қўш келади” деган мақол бор. Ўзбекистон, бутун вилоятлар мазкур худуднинг ривожланиши учун жалвон ураётган бир пайтда салоҳиятли хорижий инвесторлар ҳам шунча мақомага йўналмоқда. Албатта, форумда таъкидланганидек, Қорақалпоғистонга киритилган сармоя янги иш ўринлари очиб, маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг келажакини янада яхшилашга хизмат қилди.

Тўғриси, одамлар ўтган йили Қорақалпоғистон учун чин маънода баракали ва тарихий воқеаларга бой давр бўлганини ҳали-ҳануз эътироф этади. Чунки йил давомида қатор йирик лойиҳалар, янги саноат корхоналари, туризм масканлари, энергетика қувватлари, ахборот технологиялари парки ишга туширилди. Амударё узра Қорақалпоғистоннинг Хоразм билан боғлиқлигини узунлиги 423 метр бўлган янги автомобиль ва темир йўл кўприги фойдаланишга топширилди. Бу янгиланишлар халқимизда чексиз қувонч, фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

Бундан ташқари, Тахтакўпир туманидаги Қаратерен кўли бўйида янги этно-туристик мажмуа барпо этилди. Нукус шаҳридаги “Оққуш” мажмуасида диаметр 42, баландлиги 22 метрни ташкил этадиган қорақалпоқ миллий ўтовни тикланиб, Гиннесснинг рекордлар китобига киритилди. “Қўнгирот — Бейнеу” автомобиль йўлининг янгидан қурилган 240 километр қисми фойдаланишга топширилди. Очиги, Қорақалпоғистонда кейинги йилларда бўй кўрсатган бундай ўзгаришлар, одамларимиз ҳаётига янгича мазмун, фаровонлик, қўлларига қувонч ва шукроналик, эртанги кунга ишонч олиб кирган тарихий янгиланишлар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. Асосийси, бу ерда бошланган янги тараққиёт одимлари, Оролнинг қуриган тубида кун сайин бўйи чўзиб, саҳрони бўстонга айлантираётган яшил олам қорақалпоғистонликларнинг турмуш тутуми, тафаккурига кўчиб, ғайрат-шижоати, тадбиркорлик руҳига озиқ берапти.

2025 йилнинг биринчи ярмидаёқ эришилаётган ундан ҳам бўлмagan натижалар эса каттаю кичикки шукрона билан яшашга, шароитлар, имкониятлар, барча-барча неъматларнинг қадрига етишга ундамоқда.



гилларни яқинлаштириш, мақсадларни бирлаштириш. Хуллас, бир-бирига қон-қардош, қуда-анда бўлиб кетган ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг борди-келдиси ҳам янада кенгайди.

фикация қилиш ва хорижий сармояларни жалб этишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Бу орқали минтақада янги иш ўринлари яратилади, ишлаб чиқариш қувватлари кенгайди ҳамда жаҳон бозорларида



Ислохотлар амалда

ЙЎЛ ҚУРГАН ЭЛДА АЗИЗ

ЁХУД ТАРАҚҚИЁТНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ИНФРАТУЗИЛМА ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА?



яратиш, миллий иқтисодиётда логистика зан-жирини мустаҳкамлаш.

Мазкур қарорга мувофиқ, Тошкентдан Самарқанд ва Андижонга элтувчи муқобил йўллар қуриш устида ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Жаҳон банки иштирокида “Тошкент — Андижон” йўли лойиҳалаштирилди. Январда уни қуриш бўйича халқаро тендер эълон қилинди. Қисқа вақтда унга 30 дан ортиқ нуфузли хорижий компания қизиқиш билдирди.

Умумий узунлиги 314 километр бўлган бу магистрал фойдаланишга топширилиши натижасида Тошкент билан Андижон орасидаги қатнов вақти 5 соатдан 3 соат-



гача қисқаради. Шунингдек, бу ялпи ички маҳсулотни 2,6 фоиз ошириб, автохалокатларни 40 фоиз камайтириш имконини беради.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



— Бейнеу” халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг Ромитан, Жондор ва Пешку туманлари ҳудудидан ўтувчи 85 километрли қисмини 2 тасмали асфальт-бетон қопламали йўлдан 4 тасмали цемент-бетон қопламали автомобиль йўлига ўтказиш лойиҳаси амалга оширилди.

Мазкур автомобиль йўли халқаро транспорт йўналишининг Ўзбекистондаги қисми бўлиб, у орқали Марказий ва Шарқий Европа, Россия, Украина ва Қозғоғистонга чиқиш таъминланади. Ўзбекистон орқали трансфрон транспорт йўналишига боғланади. Ушбу автомагистрал Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудидан ўтиб, давлатлараро, вилоятлараро алоқаларни таъминлашда ҳам муҳим.

Яна бир лойиҳа Тошкент билан Самарқандни боғловчи қўшимча йўл қуришга қаратилган. Хорижий мутахассислар иштирокида унинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган. Янги йўлнинг узунлиги 300 километр атрофида бўлади. Натижада Тошкент билан Самарқанд ўртасидаги қатнов вақти 4,5 соатдан 2,5 соатгача қисқаради. Ҳозирги йўлда тирбандлик анча камаяди.

Умуман, бу янги йўллар барча замонавий талабга жавоб берадиган, муқобил ва қўлай бўлади. Уларда ҳайдовчи ва йўловчилар учун турли пулли хизматлар йўлга қўйилади. Бунёдкорлик жараёнида маҳаллий қурилиш корхоналари ҳам қатнашиши мумкин.

Агар йўл қурилиши бўйича қилинаётган ишлар ҳақида кўпроқ маълумот олмоқчи бўлсангиз, интернетдаги қидирув тугмасини босинг, бир дунё маълумотга қўлингиз тушади.

Йўл нафақат манзилни манзилларга уловчи муҳим инфратузилма, балки иқтисодиётнинг муҳим қон томиридир. Давлатимиз раҳбари айнан йўл инфратузилмасини яхшилашга жиддий эътибор қаратди. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 14 февралдаги “2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, икки йилда (эътибор беринг: икки йил!) бутун мамлакат йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича улкан ишлар бошланди. Қарорда Қорақалпоғистон бўйича 295 километр, Андижон вилояти 324 километр, Бухоро вилояти 439 километр, Жиззах вилояти 222 километр, Қашқадарё вилояти 679 километр, Навоий вилояти 216 километр, Наманган вилояти 309 километр, Самарқанд вилояти 479 километр, Сурхондарё вилояти 535 километр, Сирдарё вилояти 267 километр, Тошкент вилояти 516 километр, Фарғона вилояти 520 километр, Хоразм вилояти 321 километр, Тошкент шаҳри бўйича 332 километр йўл ва кўчаларни таъмирлаш назарда тутилган эди.

Ушбу ташаббус қисқа муддатда самарасини кўрсатди. Нафақат раҳбарлар юрадиган марказий йўллар, балки мамлакатнинг чекка ҳудудларидаги кўча-кўйлар ҳам текис ва раво бўлди. Ҳайдовчилар билан бирга йўловчиларнинг ҳам асабини бузадиган ўйдиш-чуқур йўллар таъмирланди. Вилот марказларини туман ҳамда шаҳарлар билан, туманлар марказларини қишлоқ ва овуллар билан боғловчи йўлларга асфальт ётқизилди. Бундай ўзгаришларга юзлаб мисол келтириш мумкин. Буни ҳар қим ўзи ашаётган ҳудуд мисолида кўриб, ҳис қилиб турибди. Айтмоқчимизки, йўлларнинг раволашуви одамлар кайфияти билан бирга манзиллар қиёфасига ҳам таъсир қилмоқда. Муараб ётган чекка ҳудудларга ҳам жўшқин ҳаёт нафаси кириб келмоқда.

Манзил янада яқин бўлади

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги автомобиль йўлларининг жами узунлиги 184 минг километрдан зиёд. Халқаро аҳамиятга эга йўлларининг 25 фоизидан катта юклама остида фойдаланилати. Масалан, кунига 32 минг автомобиль ўтишига мўлжалланган “Тошкент — Самарқанд”

“

Агар йўл қурилиши бўйича қилинаётган ишлар ҳақида кўпроқ маълумот олмоқчи бўлсангиз, интернетдаги қидирув тугмасини босинг, бир дунё маълумотга қўлингиз тушади. Жумладан, А-380 “Ўзор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг Ромитан, Жондор ва Пешку туманлари ҳудудидан ўтувчи 85 километрли қисмини 2 тасмали асфальт-бетон қопламали йўлдан 4 тасмали цемент-бетон қопламали йўлига ўтказиш лойиҳаси амалга оширилди.



Бир ўлкаки...

ВОҶАНИНГ “ЯШИЛ БЕЛБОҒ”И МУСТАҚКАМЛАНМОҚДА

